



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бешариқ тумани Телов МФЙ Шодлик, Гулистон кўчалари ҳудудида яшовчи 915 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бешариқ тумани Телов МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 92 м³ ҳисобланиб, **уланиш нуқтаси.1** Телов МФЙ ҳудудидаги Шодлик, Гулистон кўчалари ҳудудига 1,5 км. Д-76 мм.ли полиэтилен қувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, автоматик ўчириб ёкиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотиби тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуқтаси.2 Телов МФЙ Шодлик, Гулистон кўчалари ҳудудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали-поэлетилеи,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри Ø(76-300) атмосфера босими 0.4 АТМ қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 1,5 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бешариқ
Туман бўлими раҳбари:

У.Тошқўзиев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бешариқ
Туман бўлими бош муҳандиси в.в.б:

А.Жалилов

